


IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ


2020 йил январь-сентябрь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 12 332,9 млрд. сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 92,4 % ни ташкил қилди. Асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 3969,0 млрд. сўми хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келди. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 4 166,6 минг сўмни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг деярли ярмидан кўп улуши, яъни 50,9 фоизи вилоятнинг 5 та ҳудуди ҳиссасига, жумладан, Оҳангарон шаҳри 16,5 фоизи, Ўртачирчиқ тумани 9,3 фоиз, Оққўрғон тумани 8,9 фоиз, Оҳангарон тумани 8,2 фоиз ва Зангиота тумани 12,2 фоиз ҳисобига тўғри келди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (млрд. сўм)




**2020 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар кесимида
асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатлари (% да)**



Айрим туманларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Жумладан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Куйичирчиқ тумани 177,3 фоиз, Оҳангарон тумани 170,5 фоиз, Ўртачирчиқ туманида 162,9 фоиз, Янгийўл шаҳри 158,7 фоиз ва Бекобод туманида 154,4 фоиз ўсиш кузатилди.

**2020 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар кесимида
аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори
(минг сўмда, % да)**



Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг юқори кўрсаткичлари Оҳангарон шаҳри 22 392,9 минг сўм, Олмалиқ шаҳри 15 006,5 минг сўм, Нурафшон шаҳри 11 351,5 минг сўм, Чирчиқ шаҳри 7 294,2 минг сўм ва Зангиота туманида 6 888,5 минг сўмни ташкил этди. Аксинча паст кўрсаткични Паркент тумани 943,5 минг сўм, Бекобод туманида 861,7 минг сўм ва Чиноз тумани 760,4 минг сўмни ташкил этди.


**Молиялаштириш манбалари бўйича
асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан %</i>
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	12332,9	92,4	100,0
шу жумладан:			
Марказлашган инвестициялар:	2375,3	71,7	19,3
бюджет маблағлари	1535,5	81,8	12,5
ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси	152,7	60,1	1,2
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	357,9	41,3	2,9
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	329,2	104,6	2,7
Марказлашмаган инвестициялар	9957,6	99,3	80,7
корхоналарнинг ўз маблағлари	4402,8	136,6	35,7
тижорат банк кредитлари ва бошқа ташкилотлар қарз маблағлари	1030,7	52,4	8,4
тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	3068,4	99,5	24,8
бошқа қарз маблағлари	13,0	26,2	0,1
аҳоли маблағлари	884,3	63,6	7,2
шундан: кафолатланмаган хорижий кредитлар	558,4	160,0	4,5

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра, энг юкори кўрсаткич 2020 йил январь-сентябрь ойларида корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 4402,8 млрд. сўм, яъни якунга нисбатан 35,7 % ни ташкил қилди.


2020 йил январь-сентябрь ойлари учун асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари

Марказлашган инвестициялар



- бюджет маблағлари
- ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси
- тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари
- ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари

Марказлашмаган инвестициялар



- корхоналарнинг ўз маблағлари
- тижорат банк кредитлари ва бошқа ташкилотлар қарз маблағлари
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар
- бошқа қарз маблағлари
- аҳоли маблағлари
- шундан: кафолатланмаган хорижий кредитлар

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 1328,3 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 50,7 фоизни ташкил қилди. Бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича етакчи ўринларда Ўртачирчиқ тумани 149,9 млрд. сўм ва Ангрен шаҳри 114,9 млрд. сўмни ташкил этди. Аксинча тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича паст натижалар

Тошкент тумани 11,8 млрд. сўм, Пскент тумани 11,7 млрд. сўм ва Бекобод тумани 6,1 млрд. сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

**Асосий капиталга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция
ва кафолатланмаган кредитлар**

(млрд. сўм)

	Жами хорижий инвестиция ва кредитлар	шу жумладан:		Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция	шу жумладан:	
		Инвестиция	Кредит		Реинвестиция	Кафолат- ланмаган кредитлар
Вилоят бўйича	3969,0	3081,4	887,6	3068,4	566,4	558,4
<i>шаҳарлар:</i>						
Нурафшон	116,4	99,5	16,9	99,5		
Олмалиқ	29,3	20,4	8,9	20,4		5,2
Ангрен	176,4	176,4		176,4	1,1	
Бекобод	219,5	119,8	99,7	119,8		99,7
Оҳангарон	655,3	625,5	29,8	625,5	504,0	29,8
Чирчиқ	211,0	50,9	160,0	50,9	3,1	25,2
Янгийўл	62,1	55,9	6,2	55,9		
<i>туманлар:</i>						
Оққўрғон	354,3	354,2	0,2	354,2		
Оҳангарон	325,5	300,7	24,8	298,8		24,8
Бекобод	50,8	6,2	44,6	6,2		42,2
Бўстонлик	52,1	47,6	4,5	47,6	3,5	
Бўка	41,4	41,4	0,1	41,4		
Қуйичирчиқ	91,7	91,2	0,5	91,2		
Зангиота	313,6	136,7	176,9	136,7		75,2
Юқоричирчиқ	171,9	105,8	66,0	105,8		65,9
Қибрай	205,2	152,2	53,1	141,1	15,6	
Паркент	66,5	26,4	40,1	26,4		38,9
Пискент	46,6	12,6	33,9	12,6		33,2

Ўртачирчик	370,2	369,4	0,8	369,4		
Чиноз	49,7	9,5	40,2	9,5		40,1
Янгийўл	171,2	169,8	1,4	169,8	39,2	
Тошкент	188,1	109,0	79,1	109,0		78,2

2020 йил январь-сентябрь ойларида

асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	Жами млрд.сўм	фоизда	Давлат	фоизда	Нодавлат	фоизда
--	------------------	--------	--------	--------	----------	--------

Жами, млрд. сўм	12332,9	100,0	1843,0	14,9	10489,9	85,1
-----------------	---------	-------	--------	------	---------	------

шу жумладан: умумий
ҳажмга нисбатан % да

қурилиш-монтаж ишлари	5545,1	45,0	1598,2	12,9	3946,9	32,0
--------------------------	--------	------	--------	------	--------	------

машина, усқуналар,
транспорт
воситалари ишлаб
чиқариш ва хўжалик
жиҳозлар

бошқа ҳаражатлар	727,3	5,9	63,6	0,5	663,7	5,4
------------------	-------	-----	------	-----	-------	-----

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг 2020 йил январь-сентябрь ойларида машина, усқуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозларига йўналтирилган улуши 47,7 фоизни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан юқори улушга эга бўлди.


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича
асосий капиталга киритилган инвестициялар**
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)

(млрд. сўм)

	январь-сентябрь			
	2019 й.	Умумий ҳажмга нисбатан %да	2020 й.	Умумий ҳажмга нисбатан %да
Жами:	11697,8	100	12332,9	100
<i>шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	720,8	6,2	786,7	6,4
тоғ-кон саноати	1 621,6	13,9	2 023,4	16,4
қайта ишлаш саноати	3 495,2	29,9	3 569,5	28,9
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	355,3	3,0	477,2	3,9
сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш	280,8	2,4	249,3	2,0
қурилиш	584,9	5,0	583,0	4,7
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	100,9	0,9	603,9	4,9
ташиш ва сақлаш	540,7	4,6	885,3	7,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	68,3	0,6	61,6	0,5
алоқа ва ахборотлаштириш	53,0	0,5	47,0	0,4
молия ва суғурта фаолияти	75,4	0,6	71,1	0,6
кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар	37,6	0,3	6,8	0,1
малакавий, илмий ва техникавий фаолият	375,9	3,2	250,1	2,0

	январь-сентябрь			
	2019 й.	Умумий ҳажмга нисбатан %да	2020 й.	Умумий ҳажмга нисбатан %да
маъмурий ва қўшимча хизматлар	85,2	0,7	0,2	0,01
давлат бошқаруви ва мудофааси; мажбурий ижтимоий таъминот	688,2	5,9	222,5	1,8
таълим	322,0	2,8	171,2	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	304,3	2,6	937,0	7,6
санъат, кўнгиш очиш ва дам олиш	460,7	3,9	198,9	1,6
уй-жой қурилиши	1465,0	12,5	1 005,9	8,2
бошқа фаолият турлари	62,1	0,5	182,5	1,5

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш саноатида 3569,5 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмида 28,9 %) ташкил этди. Тоғ-кон саноатида 2023,4 млрд. сўм (16,4 %). Уй-жой қурилиши 1005,9 млрд. сўм (8,2 %). Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 786,7 млрд. сўм (6,4 %). Давлат бошқаруви ва муҳофаази; мажбурий ижтимоий таъминот 222,5 млрд. сўм (1,8 %) инвестициялар жалб қилинди. Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш 198,9 млрд. сўм (1,6 %). Ташиш ва сақлаш 885,3 млрд. сўм (7,2 %). Сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш 249,3 млрд. сўм (2,0 %). Малакавий, илмий ва техникавий фаолият 250,1 млрд. сўм (2,0 %). Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 937,0 млрд. сўм (7,6 %). Таълим 171,2 млрд. сўм (1,4 %) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 61,6 млрд. сўм (0,5 %) инвестициялар ўзлаштирилди.


Ижтимоий соҳа объектларини қурилиши

2020 йил январь-сентябрь ойларида умумий майдони 760,8 минг кв.м бўлган 3260 та шундан қишлоқ жойларида 608,7 минг кв.м 2590 та уй-жой фойдаланишга топширилди.


Қурилиш фаолияти. 2020 йил январь-сентябрь ойларида 4635,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,7 %ни ташкил этди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 4492,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,3 %ни (2019 йил январь-июн ойига нисбатан ўсиш суръати 164,2 % ни) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари
билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоги**
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)



Қурилиш ишлар ҳажмининг ўсиш суръати
(2020 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан, %да)



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Қибрай тумани 105,1 % ва Зангиота тумани 103,5 % кузатилди. Аксинча энг паст кўрсаткич Бўка тумани 98,7 % ва Чирчиқ шаҳари 98,8 % ни ташкил қилди.